

'MEXR OQIBAT RAMZI' MChJ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади ўзининг Низоми асосида иш юритувчи директор А. Садиев номидан, бир томондан Самарқанд иктисослаштирилган санъат мактаби кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади ўзининг Низоми асосида иш юритувчи директор Х.Хамдамов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» «Буюртмачи» нинг буюртмасига ва тузилган нуксон далолатномасига асосан Самарқанд санъат коллежини биносини жорий таъмирлаш (кейинги ўринларда - «Ишлар» деб юритилади) ишларини бажариш, «Буюртмачи» ушбу «Ишлар» ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «Ишлар» нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошлангич нархи	Шартноманинг умумий Қиймати (битим суммаси)
1	Самарқанд иктисослаштирилган санъат мактаби жорий таъмирлаш	565401008	491152525
	Жами (ҚҚС билан)		491152525

1.3. Шартноманинг умумий суммаси 491152525 (Турт юз туксон бир миллион бир юз эллик икки минг беш юз йигирма беш ) сумми ташкил этади. 64063373 сум ҚҚС билан

1.4. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: « 15 » июн 2021 й. Тугаши: « 31 » июл 2022 й.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 2.1. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. «Бажарувчи» дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. «Бажарувчи» дан «Ишлар» «Буюртмачи» нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. «Бажарувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ бажариладиган «Ишлар» ни нуксон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган «Ишлар» кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» шунга ўхшаш «Ишлар» билан алмаштирилишини;

- «Ишлар» нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қоплашини «Бажарувчи» дан талаб қилиш.

#### 2.2. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган «Ишлар» ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

#### 2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган «Ишлар» учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Буюртмачи» дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган «Ишлар» ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплашини «Буюртмачи» дан талаб қилиш.

#### 2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» га «Ишлар» ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар «Ишлар» ни бажариш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Буюртмачи» нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

### III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси ҚҚС билан 491152525 (Турт юз туксон бир миллион бир юз эллик икки минг беш юз йигирма беш ) сумми сўми ташкил этади. Бажариладиган «Ишлар» нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Кўрсатилган «Ишлар» учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. Бажариладиган «Ишлар» учун олдиндан тўлов миқдори 30% ни ташкил қилади, қолган 70% бажариладиган «Ишлар» 30 кун ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўланади.

### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Ишлар» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган «Ишлар» ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда «Ишлар» кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган «Ишлар» ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган «Ишлар» нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай «Ишлар» «Буюртмачи» нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган «Ишлар» бевосита «Буюртмачи» нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган «Ишлар» ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган «Ишлар» кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Бажарувчи» Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома «Ишлар» нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камидан 5 кун олдин чоплар орқали, почта орқали ёки

бошқача тарзда берилди. Буюртманомани чопар орқали қабул қилинида «Бажарувчи»нинг ходими «Буюртмачи»да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд «Ишлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгарттиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Бажарувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан қаида 1 кун олдин хабардор қилади.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган «Ишлар» сифати, ҳажми «Бажарувчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Бажарувчи» бажарилаётган «Ишлар»нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажминини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган «Ишлар»нинг сифати, ассортиментни, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган «Ишлар» қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. «Ишлар» кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Бажарувчи» «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган «Ишлар»нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, «Бажарувчи» «Буюртмачи»га «Ишлар» бажрилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган «Ишлар» қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Ишлар» бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган «Ишлар» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. «Буюртмачи» томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Буюртмачи»ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг ҳатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Буюртмачи» томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Бажарувчи»нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. «Бажарувчи»нинг айби билан контрактация шартномасининг «Буюртмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонида қопланади.

#### VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўради.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил « 15 » Июл дан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

#### VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

8.2. Мазкур шартнома вилоят газначилик бошқармасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

#### IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибиде бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгарттириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вақил қилинган вақиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгарттиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

#### X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ «БАЖАРУВЧИ»

'MEXR OQIBAT RAMZI' MChJ

Манзил: Сам.тум.Туркман махалласи Нарпай куч

22 уй

Тел:

х/р: 2208000004693433001

Банк номи: Хандор Банк Боғишамол филиали

№ 01041111-300402148 ОКОНХ:

Раҳбар: А.Б.Фармонов

Ҳуқуқшунос:

Лицензия (диплом)

берилган сана:

#### «БУЮРТМАЧИ»

Самарқанд иктисослаштирилган санъат мактаби  
Манзил: Самарқанд ш., М.Улугбек куч., 2- А уй

Тел: 8 (366) 234-90-64

СТИР коди: 201213654; ОКОНХ: 92120

Буюртмачининг Гозна шахсий ҳисобвараг:

100021860184017092100056001

Самарқанд вилоят бўйича Газначилик бошқармаси

Ағога Газначилик ҳисобварақлари (ЯҒХ)

2208000004693433001

Раҳбар:

Х.Хамдамов

Самарқанд санъат коллежи Ҳуқуқшунос:

Лицензия (диплом)

берилган сана:



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MEXR OQIBAT RAMZI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MEXR OQIBAT RAMZI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.04.2007

3212

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

300402148

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Samarqand viloyati, Samarqand tumani, QUYI TURKMAN MAHALLASI,  
NARPAY KO'CHASI, 22-UY,

Guvohnoma:

Samarqand viloyati, Samarqand tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):





Самарқанд вилоят Маданият бошқармасига қарашли Самарқанд ихтисослаштирилган санъат мактаби биносини жорий таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши

## БАЁНИ

Самарқанд шаҳар

« 15 » июн 2022 й.

Раислик қилувчи

Х.Хамдамов

Комиссия котиби

Ш.Тўймаева

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Х.Жўрабоев

Комиссия аъзоси, Ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари

Н.Абдурахмонов

Комиссия аъзоси, Касбий таълим бўйича директор ўринбосари

О.Умаров

Комиссия аъзоси, касаба уюшмаси раиси

А.Жабборов

Комиссия аъзоси, Хўжалик ишлар бўйича директор ўринбосари

## КУН ТАРТИБИ:

Самарқанд вилоят Маданият бошқармасига қарашли Самарқанд ихтисослаштирилган санъат мактаби биносини жорий таъмирлаш

(Х.Хамдамов, Х.Жўрабоев, Н.Абдурахмонов, О.Умаров, А.Жабборов.)

Самарқанд ихтисослаштирилган санъат мактаби томонидан 2022 йил 17 майда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Самарқанд ихтисослаштирилган санъат мактаби биносини жорий таъмирлаш бўйича № 22110012087658 -лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 24 майдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган Самарқанд вилоят Маданият бошқармасига қарашли Самарқанд ихтисослаштирилган санъат мактаби биносини жорий таъмирлаш бўйича баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан МEXR OQIBAT RAMZI MCHJ корхонаси голиб деб топилганлигини инобатга олиб:

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Самарқанд ихтисослаштирилган санъат мактаби бош бухгалтери Ш.Тошназаровга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 26 майдаги электрон баённомасига асосан голиб МЕХР ОҚИВАТ РАМЗИ МСНҲ корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

### Комиссия аъзолари

Х.Жўрабоев



Комиссия аъзоси, Ўқув ишлар бўйича директ  
ўринбосари

Н.Абдурахмонов



Комиссия аъзоси, Касбий таълим бўйича директ  
ўринбосари

О.Умаров



Комиссия аъзоси, қасаба уюшмаси раиси

А.Жабборов



Комиссия аъзоси, Хўжалик ишлар бўйича директ  
ўринбосари